

«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
Наманган шаҳар мактабгача  
таълим бўлими мудири



БУЮРТМАЧИ:

Чуст туман мактабгача таълим бўлимига тассаруфидаги  
Мактабгача таълим ташкилотларига

2022-2023 йилар қиши-бахор мавсумида захира озик-овқат махсулотлари сотиб олиш учун

## ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Чуст туман -2022

## Танлов хужжатларининг мазмуни:

### I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

#### ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Конунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2018 йил 26 майда № 3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиха Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамоилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

#### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Мактабгача таълим ташкилотида тарбияланувчиларининг сифатли озиқ овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг № 587 сонли қарорига асосан маҳсулот ғамлаш бўйича режа ва амалдаги ижро бўйича 2022-2023 йилар қиши-баҳор мавсумида захира озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш учун ташкилотлар жалб қилинади.

##### 1.2. Танловнинг охирги қиймати

- Сабзи: ўлчов бирлиги: кг, тижорат даражаси: биринчи, картошка ранги: сарик, 10-12 см, тозаланган сараланган, кўп микдорда с витамини, шамоллаш пайдо бўлишининг олдини олиш, иммунитетни мустаҳкамлаш ва вирусларга қарши курашиб учун зарур бўлган антиоксидант мавжуд. Озиқланиш қиймати: оқсиллар – 1.4 г; углеводлар – 5.2 г.

Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4.Иш хизматларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 кун.

1.5. Иш хизматларни бошлаш муддати – буюртма берилган кундан бошлаб хисобланади.

#### 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Чуст туман мактабгача таълим бўлими (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти, Чуст туман Чарогон кўча 6-йй

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов Чуст туман Мактабгача таълим бўлими биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 1 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар кўйилади:

- танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи микдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

- шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала хукукий лаёкат ва ваколатлар;

- танлов обьектига ўхшаш обьектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

- ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

- танлов обьектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

- Низом маблағи микдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Кўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

- қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиха хужжатлари, хусусан, лойихани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат килишга ҳаклидирлар.